

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**  
**Х У К М**

2019 йил октябрь ойининг 28 куни, жиноят ишлари бўйича (ЖИБ) Янгиқўрғон туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Н.Умаров, судья ёрдамчиси Н.Парпиевнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси туман прокурори ёрдамчиси М.Акбаралиев, судланувчи М.С ва унинг ҳимоячиси Ш.Яхшибоевнинг иштирокларида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК)нинг 223-моддаси 1-қисми билан С.М.Сни айблашга оид 1-1612-1901/51-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

С.М.С, [REDACTED] Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали тўрт нафар фарзанди бор, ишламайди, судланмаган, [REDACTED] да яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 23 октябрь куни олган.

Суд, жиноят иши бўйича судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафлар музокарасини, судланувчи охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

М.Сга Наманган вилояти ИИБ МваФРБ томонидан хориж давлатларига вақтинча яшаш учун рухсатнома (стикер) расмийлаштириб берилгани, 2016 йил 27 апрель куни ушбу рухсатнома орқали М.С Тошкент шаҳридан Туркиянинг Истамбул шаҳрига борган ва 2019 йил 21 февраль кунига қадар вақтинча истиқомат қилиб келиб, шу куни М.С Туркиядан Грузия давлатига ўтган.

Бироқ, М.С ўзининг хорижга чиқиш рухсатнома ёзувининг амал қилиш муддати 2016 йил 30 декабрда тамомланган бўлса-да, 2019 йил 22 февраль куни Грузиядан Туркияга ўтиб, ушбу давлатда 2019 йил 4 август кунига қадар яшаб келиб, шу куни “Бодрум-Тошкент” авиарейси орқали Тошкент халқаро аэропортига учиб келган.

М.С судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2014 йилда Наманган вилояти ИИБ МваФРБ томонидан хориж давлатларига вақтинча яшаш учун 2 йил муддатга рухсатнома расмийлаштириб берилганлигини, 2016 йил 27 апрель куни ушбу рухсатнома орқали Тошкент шаҳридан Туркиянинг Истамбул шаҳрига борганлигини, у ерда ишлаб юриб, “Кен Лутфи” исмли Туркия фуқаросига шаръий никоҳ асосида турмушга чиққанлигини, 2017 йил 12 август куни фарзанди “Кен Юсуф Ислам” дунёга келганлигини, 2018 йилнинг ёз ойларида рухсатномасини амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли 2019 йил 21 февраль куни фарзандини олиб, Туркиядан Грузия давлатига ўтиб, 22 февраль куни Грузиядан Туркияга ўтганлигини, 2019 йил

4 август куни “Бодрум-Тошкент” авиарейси орқали Тошкент халқаро аэропортига учиб келганида ходимлар томонидан ушланганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, мазкур ҳолатларга қайтиб қўл урмаслигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

М.Снинг айби ўзининг тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, судда сўралган қуйидаги:

М.Кодированинг сўроқ қилинишига розилик билдириб, судланувчи М.С кизи экани, 2015 йилда кизи рухсатнома орқали Туркия давлатига ишлаш мақсадида бориб, 2016 йил апрель ойида Туркия фуқароси “Кен Лутфи” исмли шахсга шаръий никоҳ асосида турмушга чиқиб, бир нафар ўғил фарзандли бўлганлигини, 2019 йил 4 август куни кизи телефон қилиб, унга: “Онажон мен хорижга чиқиш рухсатнома ёзувининг амал қилиш муддатини ўтказиб юборганлигим сабабли Тошкент халқаро аэропортида ходимлар ушлаб олишди”,-деб айтганида бу ишлардан хабардор бўлганлигини, кекса ёшда бўлганлиги сабабли бу ишларга яхши тушунмаслиги ҳақидаги;

шунингдек, дастлабки терговда тўпланган ва судда кўздан кечирилиб, ўқиб эшиттирилган:

-жиноят ишининг 12-варағидаги М.Сга тегишли фуқаролик паспортини олиш ва кўздан кечириш баённомаси, унинг илова-нусхалари;

-37-варағидаги гувоҳ С.Мирзаеванинг суддаги кўрсатувига ўхшаш кўрсатувлари қайд қилинган сўроқ баённомаси;

-32-33-варақларидаги М.Снинг айбига иқрор бўлиб, суддаги кўрсатувларига ўхшаш кўрсатувлари қайд қилинган сўроқ баённомаси ҳамда бошқа далиллар билан исботланди деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан М.Снинг хорижга чиқиш учун рухсатнома (стикер) расмийлаштирмасдан Туркия давлатига чиқишда ифодаланган қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 9-сонли Қарорининг 8-бандида: “Жиноят кодекси 223-моддасида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизиғи кесиб ўтилган пайтдан бошлаб, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида эса - чегара назоратидан ўтилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.”-деб белгиланган.

ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг:

2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо

тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги;

ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги, булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖКнинг 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Қонун талаблари ва Пленум қарорлари тушунтиришларига амал қилиб, М.Снинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнглидан пушаймонлигини, жиноятни оғир оилавий шароит оқибатида содир этганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, унинг шахсини, тўрт нафар фарзандлари борлигини, улардан уч нафари вояга етмаганлигини, қилмишининг мотиви ва хусусиятини ҳисобга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у судланаётган моддалар санкциясида назарда тутилган энг кам миқдоридан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни;

Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарори талаблари асосида ашёвий далил сифатида эътироф этилиб жиноят ишига қўшилган М.Сга тегишли бир дона “ААН№8189943” рақамли фуқаролик паспорти тақдирини қонуний ҳал қилишни Косонсой туман ИИБга топширишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М    Қ И Л Д И:**

**С.М.С** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

С.М.Сга ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 30 (ўттиз) баравари миқдоридаги 6.690.000 (олти миллион олти юз тўқсон минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

М.Сга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-авторда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

М.Сга тегишли бир дона “АА№8189943” рақамли фуқаролик паспорти тақдирини қонуний ҳал қилиш учун Наманган шаҳар ИИБга юборилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

Н. Умаров